

## Акад. М.Мирсаидов ва проф. А.Салоҳиддиновларнинг МЧЖ ЎзГИП Лойиҳа институтидаги ёшлар билан учрашуви

20 - апрель 2018 йилда акад.М. Мирсаидов ва проф. А. Салоҳиддиновлар МЧЖ ЎзГИП Лойиҳа институтида ТИҚХММИни охириги йилларда битирган ҳозирги кунда МЧЖ ЎзГИП Лойиҳа институтида муваффақиятли ишлаб келаётган ТИҚХММИ нинг собиқ талабалари билан учрашишди.

Бу учрашувни шу МЧЖ ЎзГИП Лойиҳа институтининг директори У.В.Абдуллаев ташкил қилиб, лойиҳада ўз илмий ечимини топиши керак бўлган муаммолар билан учрашув қатнашчиларини таништирди.

Бу учрашувнинг асосий мақсади шу лойиҳа институтида муваффақиятли ишлаётган ёшларни, келгусида лойиҳада учраётган илмий муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашишларини таъминлаш ва бу ёшлардан келгусида олий малакали ёш мутахассислар тайёрлаш эди.

МЧЖ ЎзГИП Лойиҳа институти раҳбари У.В. Абдулаев томонидан қўйилган илмий муаммолар ечимларини топиш ва ёшларни илмга жалб қилиш бўйича М.Мирсаидов ва А.Салоҳиддиновлар ўз фикрларини билдиришди.

М.Мирсаидов ва А.Салоҳиддиновлар келгусида ёшлар билан биргаликда қўйилган илмий муаммоларни ечишда фаол иштирок этишларини билдиришдилар.

